

ustun qo'yishga ma'lum darajada urinishlar yuz beradi. Tashqaridan keladigan tajovuzkor din niqobi ostidagi mafkuralar bu holatdan foydalanib qolishga urinadi.

O'zbekistonning Yangi jamiyatga o'tish davrining dastlabki yillarida diniy mafkura aholining, hatto ziyolilarning ancha qismiga o'z ta'sirini o'tkaza olgan. Biroq, davlatning xolisona munosabati, xalq manfaatiga asoslangan printsiptial yo'li dunyoviy va diniy mafkuralarni bunyodkorlik yo'lida hamkorlik qilish uchun sharoit yaratib berdi. O'tish davrining yuqori bosqichlariga ko'tarilgan sari diniy va dunyoviy mafkuralar o'rtasida xolisona, hamkorlik munosabatlar qaror topa boradi.

### ***Foydalanilgan adabiyotlar***

1. *Мирзиёев Ш. Олий Мажлисга мурожаатномасидан. (2020 йил 24 январь) “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь*
2. *Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд, – Т.: 1998.- 35-44.*
3. *Хотомий. М. (2001). Ислам, диалог и гражданское общество. М.: Росс. ПЭН*
4. *Мунавваров З. дунёвий жамият ва дин. / Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. Т.: 1988.- 5-бет.*
5. *Қаюмов Ў. Ёшлар ва дин // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2004.-2-сон, 101-бет)*
6. *Bayaliyev J. Globallashuv sharoitida dunyovioylik va diniylik uyg'unligining asosiy xususiyatlari. // Philosophy and life № 1 (12) 2021, p. 91-97.*

## **СИЁСИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА**

**Ризаева Нилуфар Облакуловна**

*ТДИУ. “Умумий ва аниқ фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси*

### ***Аннотация***

*Мақолада сиёсий ижтимоийлашув категориясининг назарий талқинлари, олимларнинг илмий изланишлари ва турли хил социологик тадқиқот натижалари ёритилган. Сиёсий ижтимоийлашувнинг турлари, таърифи ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли фактлар асосида очиқ кўрсатилган.*

### ***Калит сўзлар***

*Сиёсат, социология, сиёсий ижтимоийлашув, сиёсий модернизация, шахс, жамият тараққиёти, сиёсий қадриятлар.*

### ***Кириш.***

Машҳур мутафаккир Аристотель инсоннинг моҳиятини изоҳлаганида<sup>1</sup>, уни “сиёсий мавжудот” деб атаган эди. Унга шунчаки ижтимоийлашган мавжудот сифатида эмас, балки уни улғайган шахснинг ажралмас тавсифи бўлган

<sup>1</sup> Аристотель. Политика. Ахлоқий кабир.Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.

фуқаролик сифатларига эгалик қилувчи мавжудот деб қараган.<sup>2</sup> Табиийки, инсон “сиёсий” бўлиб туғилмайди, лекин у шундай бўлиб шаклланиб боради ва бундай шаклланиш жараёни унинг бутун ҳаёти мобайнида давом этади.

Бола ёшлигиданоқ сиёсат тўғрисидаги илк маълумотларни ота-онасидан, атрофдаги яқинларидан, оммавий ахборот воситалари орқали ола бошлайди. Аста-секинлик билан у улғайгани сари сиёсат тўғрисидаги билимларни нафақат ўзлаштиради, балки унга ўз муносабатини ҳам билдира бошлайди. Сиёсий кадриятларни бир авлоддан кейинги авлодга узатиш механизми ишлай бошлайди. Реал сиёсий воқеликка берилиб, инсон нафақат ижтимоий, балки сиёсий тажрибани ҳам фаол ўзлаштира бошлайди.

Сиёсий ижтимоийлашув – бу инсоннинг сиёсатга кириши, унинг фуқаролик жиҳатдан шаклланиши, жамиятда ҳукмрон бўлган меъёр ва йўналишларни, кадриятларни ва сиёсий ҳулқ-атвор намуналарини ўзлаштириш жараёнидир. Инсоннинг ижтимоийлашуви, унинг жамоавий табиати шаклланиши - бу ижтимоий муҳит таъсирида шахс шаклланишининг умумий жараёнларидан бир қисми. Сиёсий ижтимоийлашув жараёнида инсоннинг индивидуал сиёсий онгги шаклланади, шахс билан сиёсий муносабатлар мазмуни англанади ва индивиднинг муайян сиёсий ҳулқ-атвори асосида сиёсий воқеликка таъсир этиш механизми шаклланади.

Турли жамиятларда бу жараён турли хил кечади. У инсон ижтимоийлашадиган ва фаолият юритадиган муайян цивилизацияга боғлиқ бўлади.

#### **Адабиётлар таҳлили ва метод.**

Ғарб адабиётининг айрим муаллифлари сиёсий ижтимоийлашувни инсоннинг ўзи учун янги бўлган кадриятларни ўзлаштириш жараёни сифатида таҳлил этадилар ( М.Хабермас, К.Луман ), бошқалари эса бу тушунча остида инсоннинг маълум бир сиёсий ролларни ўрганиш жараёнини тушунадилар ( Р.Линтон, Т.Парсонс ), яна айримлари уни инсоннинг ички жараёни сифатида тавсифлаб, унинг натижасида ҳис, туйғу, қарашларнинг сиёсийлашуви содир бўлади ( Э. Фромм ), деб таъкидлашади. Россия адабиётида комплекс тавсифдаги таърифлар кўп учрайди (В.Пугачев, А.Соловьев, К. Гаджиев ).<sup>3</sup>

Инсон ҳаётининг давомийлигига қараб сиёсий ижтимоийлашувнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ажратиш мумкин.

Замонавий сиёсатшунослик жамиятда қабул қилинган намуна ва сиёсий ҳулқ-атвор меъёрларидан келиб чиқиб шахс сиёсий ижтимоийлашувининг 4 та асосий турини ажратади, булар:

1. Баркамол тури;
2. Плюралистик тур;
3. Гегемонистик тур;
4. Ихтилоfli тур.

<sup>2</sup> Политология. Учебное пособие. – М.: Знание, 1997.-224 с.

<sup>3</sup> Политология. Учебник для вузов / Отечественный редактор юридических наук, профессор В.Д. Перевалов. – М.: Издательство НОРМА (Издательская группа НОРМА – ИНФРА-М), 2001. – 392 с.

“Ижтимоийлашув” атамаси кўп маъноли бўлиб, кўпгина муаллифлар томонидан берилган таърифлари унчалик ҳам мос келмайди. Мазкур атаманинг тарихи турли хил манбаларда ҳар хил кўринишда баён этилади. Масалан: Е.Ю.Антюхова Г.Зиммелнинг асарларида марказий тушунчалардан бири бўлган Vergellschaftung – немис тилидаги сўзни инглиз тилига таржима қилиш асосида “ижтимоийлашув” маъносини берувчи атама сифатида пайдо бўлган деб ҳисобланади. Ушбу таржима тўғри бўлганми ёки йўқми – муҳим эмас, энг асосийси бу тушунча 1937 йилда нашр этилган Сазерленд Вудворднинг “Социология фанидан дарслик”да қўлланилиб, мумтоз социологиянинг асосий мунозара объектига айланади. Бошқа манбаларда мазкур тушунча унданда олдин пайдо бўлган деб талқин қилинади. Е.Б.Шестопал фикрича, биринчи бор ижтимоийлашув тушунчаси илмий муомалага америкалик социолог Ф.Гиддингс ва француз социопсихологлари томонидан XIX аср охирида киритилган экан.<sup>4</sup> Кейинчалик бу тушунча назарий тушунча сифатида расмий мақом олиб, америка социологияси уюшмаси рўйхатига киритилди. Лекин, ижтимоийлашув ғоялари З.Фрейд, Ж.Мид, Ж.Пиаж, К.Юнг, Ч.Кули ва б. тадқиқотчиларнинг асарларида кенг қўлланилган. Мазкур тадқиқотчилар XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлганини инобатга олсак, ҳамда ушбу тушунчадан Карл Маркс ҳам кенг фойдаланганлигини эсласак, ижтимоийлашув тушунчаси илмий муомалага XIX аср ўрталарида кириб келди, деб ҳисобласак хато бўлмайди.

#### **Муҳокама ва натижалар.**

Совет фалсафий ва ижтимоий психологик адабиётларида ижтимоийлашув атамаси биринчи марта XX асрнинг 60 йилларида қўлланила бошланди. Сиёсий ижтимоийлашув тушунчасини илмий амалиётга қачон кирганлиги юзасидан тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳам худди шундай қарама-қаршиликка эга. Масалан: А.И.Шербинин ушбу атама илмий муомалага XX асрнинг 50 йилларида Д.Истон ва Г.Г.Хайман киритган деб таъкидлайдилар.<sup>5</sup> Сиёсатшунослик фанидан луғатнинг муаллифлари сиёсий ижтимоийлашув назариясининг манбаини Г.Тард ва Т.Парсонс таълимотларидан излаш керак деб ҳисоблайдилар. Шўндан сўнг ушбу тушунчага бўлган эътибор, айниқса, XX асрнинг 50 йилларида кучаяди.

Е.Б.Шестопалнинг гувоҳлик беришича, мазкур мавзуга тааллуқли бўлган биринчи асар 1959 йилда АҚШда нашр этилган бўлиб бу Г.Хайманнинг “Сиёсий ижтимоийлашув” номли асари эди.

Аслини олганда сиёсий ижтимоийлашув шахснинг умумий ижтимоийлашувининг бир қирраси ҳисобланади. Ижтимоийлашув жараёнининг тушунчасини англаш учун инсон табиятини тўлиқ таҳлил этиш керак бўлади. XX асрнинг охирида инсон тўғрисида кўплаб хилма-хил маълумотлар тўплана бошланди, бу маълумотлар тарих, физика, кимё, биология, генетика, археология, психология, физиология, социология, политология, этнография антропология ва б. фанлар орқали тўпланган. Ушбу маълумотлар инсон тўғрисидаги тасаввурларимизни нафақат бойитди, балки шу билан бирга инсон моҳияти,

<sup>4</sup> Шестопал Е.Б. Личность и политика. М.,1988.

<sup>5</sup> Қаранг: Общая и прикладная политология/ Под ред. В.И.Жукова, Б.И. Краснова-М., -2010.

табиати, эволюциясига ва ҳоказоларга метофизик, схоластик, догматик ёндашувлар асосида ёритишга қарши “дори” ҳам шаклланди.

Ҳар ҳолда, Э.Фромм томонидан айтилган икки қоидага ҳеч ким шубҳа-гумон билан қарай олмайди: Бу “Ўз моҳиятига кўра инсоний мавжудотлар бири-бирига ўхшаш. Биз барчамиз – яхлитликнинг қисми: биз ҳаммамиз моҳиятимизга кўра Бирмиз”. Ўз фикрини давом эттириб, у шундай ёзади: “Биз барчамиз Бирмиз, лекин шунга қарамай ичимизда ҳар биримиз – қайтарилмас, ноёб мавжудотмиз. Ушбу қарама-қаршилик бизнинг бошқа инсонлар билан мулоқотларимизда қайтарилиб турилади”.<sup>6</sup>

### **Хулоса ва таклифлар**

Ушбу тушунчалардан келиб чиққан ҳолда, биз ижтимоийлашувни динамик жараён сифатида белгилаймиз, унинг таркибида эса қуйидаги жиҳатларни ажратиш мумкин: Чуқур биологик сабабларнинг мавжудлиги, яъни инсон узоқ биологик эволюцияси натижасида ўзини ким эканлигини аниқлаган ва ижтимоий муҳитга кирган. Инсоннинг ижтимоийлашувини қуйидаги ижтимоий сабабларда белгилаш мумкин:

биринчидан, унда ижтимоий сифатларнинг мавжудлиги (инсон зотига тегишли сифатлар) – бу инсон фаолияти шакллариининг маҳсулидир;

иккинчидан, ижтимоийлашувнинг даражаси, табиати, баҳоси аниқ-тарихий жамиятнинг ривожланиши, фаолияти хусусиятлари ҳамда инсониятнинг ютуқлари билан белгиланади;

учинчидан, аниқ-тарихий жамият доимо ижтимоийлашувга нисбатан муносабатига кўра фаол бўлади.

Жамоатчилик муносабатларининг субъекти сифатида инсон ижтимоий тажрибани ўзлаштириб боради, унинг фаол иштирокисиз ижтимоийлашувни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу икки томонлама жараён бўлиб, бир томонида индивидга ижтимоий маълумот, билим берилади, у мавжуд кадрят ва йўналишларга мослашиб боради, ижтимоий тажриба, меъёрлар ва ролларни, кўникма, билимларни ўзлаштиради ва улар асосида шаклланган жамият муносабатлари тизимига киради, иккинчи томондан эса, бу нафақат ишлаб чиқариш жараёни, балки индивиднинг ижтимоий муҳит жараёнларига фаол аралашуви натижасида жамоавий муносабатлар тизимининг ривожланишини давом эттиради. Яъни индивид ижтимоий муҳит маҳсулотларини ўзлаштиради ва шу билан бирга ушбу муҳитни ривожлантириб боради. Агар инсон бир вақтнинг ўзида ижтимоий муҳитнинг маҳсулотини ўзлаштира-ю, уни ўзида ва бошқалар учун амалиётга тадбиқ этмаса, уни такрорламаса инсоний жамиятнинг ривожланиш жараёни тўхтади. Яъни ижтимоийлашув жараёни остида ҳам ўзлаштиришни, ҳам ўзлаштирилган билимларни амалга оширишни тушуниш керак.

Шахснинг сиёсатда мустақил иштирок этиши ва уни тушуниши учун у сиёсий билим, тажриба, маданиятга эга бўлиши керак бўлади. Улар шахсга сиёсий субъект сифатида сиёсий рол ва функцияларни самарали даражада ижро этишни таъминлашга кўмаклашади ва шу йўл билан шахснинг сиёсий ўйинлар

<sup>6</sup> Э.Фромм. Здоровое общество. М., 1953.

ва турли сиёсий кучларнинг таъсирига тушиб қолишининг олдини олади. Инсонлар олдиндан ўзлаштирилган сиёсий тажриба ва маданият билан туғилмайдилар, буни улар бутун ҳаётлари давомида ўзлаштириб борадилар. Индивид, гуруҳ томонидан аниқ жамиятга тегишли бўлган сиёсий маданиятнинг қадриятлари ва меъёрларини самарали бажариш ва шу билан бирга жамиятни ҳамда сиёсий тизимни сақлаб қолишга қаратилган сиёсий жараён - ижтимоийлашув деб аталади.

Шахснинг тизимга нисбатан ижобий йўналиши ижтимоийлашув агентлари таъсирида шаклланади, ушбу агентлар индивидуал етуклик даражасини ҳам албатта инобатга оладилар.

Сиёсий ижтимоийлашув, юқорида қайд этилганидек, индивид ва шахснинг ўзаро алоқадорлик жараёнини ифодалайди. Бу жараён сиёсий ҳаёт иштрокчиларининг сиёсий мустақиллик даражасини кўрсата олади. Бир томондан, сиёсий ижтимоийлашув сиёсий тизим талаб ва кўрсатмаларининг шахс томонидан сиёсий роллар ва бажарадиган функциялари орқали ўзлаштиришни, сиёсий ҳаётнинг қадрият ва стандартларини қабул қилиниши билан ифодаланса, иккинчи томондан у ҳокимият томонидан индивидга тавсия этиладиган сиёсий мақсад ва қадриятларни саралаб танлаш имконини берувчи сиёсий позициясининг шакилланганлигини ҳам ифодалайди. Ҳокимият ва индивид ўртасидаги алоқалар диалог, консенсус ёки ихтилоф асосида шаклланиши мумкин. Ушбу муносабатларда муайян алоқа турининг устунлиги ушбу жамиятда ҳукмрон бўлган сиёсий маданият турига, унинг ички таркибидаги суб маданиятларга боғлиқ бўлади. Тарихий миллий анъаналарга бой бўлган конфессионал муҳитнинг бир хил маданий даражасига иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ўз таъсирини кўрсатганда аниқ жамиятда содир бўлаётган сиёсий ижтимоийлашувнинг барқарор белгиларини аниқлаб олиш мумкин бўлади.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. *Мирзиёев Ш. Олий Мажлисга мурожаатномасидан. (2020 йил 24 январь) “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь*
2. *Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд, – Т.: 1998.- 35-44 бетлар*
3. *Хотомий. М. (2001). Ислам, диалог и гражданское общество. М.: Росс. ПЭН*
4. *Мунавваров З. дунёвий жамият ва дин. / Ислоҳ: бағрикенглик ва мутаассиблик. Т.: 1988.- 5-бет.*
5. *Қаюмов Ў. Ёшлар ва дин // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2004.-2-сон, 101-бет)*